

ҚАРДОШ КУБА БИЛАН АБАДИЙ БИРГАМИЗ!

БУТЎН ДҲНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 102 (2393).

25

М А И
ШАНБА
1963 ИЙЛ

БАҲОСИ
2 ТИЙИН



Москва, В. И. Ленин номи марказий стадион. Совет-Куба дўстлиги митинги президиумида.

М. Скрухина ва А. Пахомов-фотоси.

БИР САФДА ТУРИБ, БИР ЭЗГУ МАҚСАД САРИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА КУБА РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚЛАРИНИНГ
ДЎСТЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГ

МОСКВА, 23 май. (ТАСС). Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари, Куба Республикасининг Бош министри Фидель Кастро Рус мамлакатини уз ҳафтадан кўпроқ вақтдан буён меҳмон бўлиб турибди. Фидель Кастро ва унинг сафдошлари турли шаҳарларда бўлибди ва улар ҳамма жойда гўл самимият ва қардошларча ҳурмат билан кутиб олинди.

Совет тупроғидаги барча учрашулар совет кишиларининг қаҳрамон Куба халқига, унинг йўлбошчиси Фидель Кастрога самимий дўстона муносабатларини, совет халқи Озодлик оролидаги революцион курашини астойдил ҳурмат қилаётганлигини гўл зўр куч билан кўрсатди.

Бугун кубалик азиз меҳмонлар билан яна бир марта шундай самимий учрашув бўлди. В. И. Ленин номидаги марказий стадион трибуналарига ва катта спорт майдонига қарий 125 минг киши тўланди. Ҳақиқатан ҳам ёрқин, гўзал ва улғувор назира кўзга ташланади. Москваликлар кийган ёлқин ранг-баранг кийимлар байрамдалик бозатилган стадионнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Ҳамма жойда байроқлар.

Кундуз соат икки. Кубалик дўстлар—Фидель Кастро Рус, Серхио дель Валье Хименес, Гильермо Гарсиа Фриас, Рауль Курбело Моралес, Режино Боти Леон, Рауль Леон Торрас, Рене Вальехо Ортис ўртоқлар. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари—Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. С. Хрущев, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, В. Н. Пономарев, А. П. Руданов, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин ўртоқлар. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР министрлари, давлат қўманданлари раислари, Совет Иттифоқи Маршаллари ва партия ҳамда давлатнинг бошқа арбоблари ҳукумат миёнарига қилиб келишди.

Стадионда СССРдаги дипломатия ва коллатхоналарнинг бошиқлари, шунингдек чет эллардан келган кўп меҳмонлар ҳам бор эди.

Стадионда: «КПССга шон-шарафлар!», «Вива Куба!», «Фидель-Хрущев!» деган табрик хитоблари янграйди.

ди. Митингга келган кишилар Кубанинг миллий байроқчаларини ҳилпиратиб турибдилар.

Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов қисқача кириш нутқи сўзлайди. У айтидики, Москва меҳнаткашлари, барча совет кишилари Фидель Кастро ва кубалик бошқа дўстлар орқали Озодлик оролининг қаҳрамон халқини табриқлайдилар. Ўртоқ Промислов қаҳрамон Куба халқига отанин салом йўллайди.

Совет Иттифоқи ва Куба Республикаси халқларининг дўстлигига бағишланган митинг очик деб эълон қилинади.

Куба Республикаси ва Совет Иттифоқи гимнларининг кучли, тантанали овози янграйди. Жуда катта Совет ва Куба байроқларини олиб ўтган самолётлар стадион устида пайдо бўлганда мингмиглаб кишилар қарсақ чаладилар. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлиқни ифода этувчи шнорлар электр таблода ерқин кўзга ташланади.

Пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари: «Красный пролетарий» станоксозлик заводининг тоқари, Давлат мукофоти лауреати, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Н. М. Кузьмин, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Ленин мукофоти лауреати Н. Г. Басов, ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг секретари Б. Н. Пастухов сўзга чиқадилар.

Уларнинг ҳаммаси Фидель Кастро ва унинг сафдошларини самимий табриқлайдилар. Куба халқига дўстлик ва отанин салом сўзларини йўллайдилар. Нотиқлар Куба революциясининг галабаси: «Е Ватан ё ўлим! Биз галаба қилмиш!» деган мардона сўзларини шнор қилиб олган довжорак қаҳрамон халқнинг йилномаси эканлигини таъкидлайдилар.

Пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари таъкидлаб ўтганидек, революцион Кубанинг муваффақиятлари империалистларни газаблантирмоқда. Аммо биз шу нарсатга қатъий аминимизки, Куба халқи ўзининг Социалистик революция бирлашган партиясининг раҳбарлигида янгидан-янги галабага эришади.

Кузьмин, Басов, Пастухов ўртоқлар қардош Куба халқининг марксизм-ленинизм ўлмас идеяларини амалга ошириш учун курашда, Кубада социализм

қурилишида янги катта муваффақиятларга эришувини тиладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущевга сўз берилади. Гўлдурас овози билан минг минг давом этади. Шарқий трибунада митинг қатнашчилари томонидан байроқ ва алвонлардан ясалган шнор — «КПССга шон-шарафлар» шнори пайдо бўлади. Шнор остида ўроқ ва болга сургати кўзга яққол ташланади. (Ўртоқ Н. С. Хрущевнинг нутқи 2-3-бетларда босилган).

Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фидель Кастро Рус микрофон олдида келади. Ҳамма ўридан турди ва зўр самимият ва шод-хушамлик билан азиз меҳмонни табриқлаб, қаҳрамон Куба халқига меҳр-муҳаббатини изҳор қилади. (Ўртоқ Фидель Кастро Руснинг нутқи 3-4-бетларда босилган).

Митинг ёпиқ, деб эълон қилинади. Оркестр Куба Республикаси ва Совет Иттифоқи гимнларини ижро этади. Шундан сўнг жуда катта спорт майдонининг ҳамма жойида «26 июль марши»нинг тетик, қувноқ оҳанглари янграйди.

М. ГЕРАСИМОВ,
А. ДЕНИСОВИЧ,
Б. ЛУКЬЯНОВ,
(ТАСС мухбирлари).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ Ўртоқ Фидель Кастро Русга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

Тинчлик ва социализм улғу ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган қаҳрамон Куба халқининг озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги ғолибона курашни ташкил этишда ўртоқ Фидель Кастро Руснинг буюк хизматларини тақдирлаб ва унинг қардошларча совет-куба дўстлигини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришдаги катта ролини қайд қи-

либ, Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари ва Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош министри ўртоқ ФИДЕЛЬ КАСТРО РУСГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ унвони берилсин ва унга ЛЕНИН ордени ҳамда «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ,
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1963 йил 23 май.

КРЕМЛАДА ФИДЕЛЬ КАСТРО ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати 23 майда Катта Кремль саройида Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош министри Фидель Кастро Рус шарафига қабул маросими ўтказдилар.

Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг аъзоси, революцион қўролли кучлар министрининг ўринбосари Серхио дель Валье Хименес, Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг аъзоси, Куба ғарбий революцион армиясининг қўмондони Гильермо Гарсиа Фриас, Социалистик

революция бирлашган партияси, Миллий раҳбарлигининг аъзоси, Куба революцион ҳарбий-ҳаво кучларининг қўмондони Рауль Курбело Моралес, экономика министри Режино Боти Леон, ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари Рауль Леон Торрас, Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Карлос Оливарес Санчес, мажор Рене Вальехо Ортис ва кубалик бошқа дўстлар қабул маросимида Куба революциясининг йўлбошчиси билан бирга бўлишди.

Қабул маросимида совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев, Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, В. Н. Пономарев, А. П. Руданов, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, СССР ва РСФСР министрлари, СССР Давлат қўманданларининг раислари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлари, Москва жамоатчилигининг вакиллари, Совет Иттифоқининг ва Куба турларининг Маршаллари, Совет Армиясининг ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг генераллари, адмираллари ва офицерлари, фан ва маданият арбоблари, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Министрлар Советининг, бир қанча министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари ҳозир бўлишди.

Меҳмонлар орасида бир қанча қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлари ҳам бор эди. Қабул маросимида Совет Иттифоқидаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошиқлари, совет ва чет эл матбуотининг вакиллари ҳозир бўлишди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Фидель Кастро Русга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги Фармонини ўқиб берди.

Қабул маросимида қатнашганлар бу хушxabарини гўлдурас олқишлар билан кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев тўпланганларга мурожаат қилиб, бундай деди:

Азиз ўртоқ Фидель! Сизга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак фахрий унвон берилганлиги билан Сизни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет ҳукумати, СССР Олий Совети Президиуми номидан, ҳаммамизнинг номимиздан самимий кутлаётганим учун хурсандман. Сизга яхши сийҳат-саломатлик, Озодлик оролида социализм қуришда улғу ишни тугатилганда Куба халқига муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

(Охири тўртинчи бетда)

СОВЕТ-КУБА ҚЎШМА БАЁНОТИ ИМЗОЛАНДИ

23 майда Катта Кремль саройида Совет-Куба Қўшма баёнотини имзолаш маросими бўлди.

Баёнотни Социалистик революция Бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош министри Фидель Кастро Рус ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев имзоладилар.

Совет-Куба Қўшма баёнотини имзолаш вақтида Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, В. Н. Пономарев, А. П. Руданов, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин ўртоқлар ва бошқа совет давлат арбоблари ҳозир бўлишди.

Баёнотни имзолаш вақтида Куба томонидан Серхио дель Валье Хименес, Гильермо Гарсиа Фриас, Рауль Курбело Моралес, Режино Боти Леон, Рауль Леон Торрас, Рене Вальехо Ортис ўртоқлар, шунингдек Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Карлос Оливарес Санчес ҳозир бўлишди.

Совет-Куба Қўшма баёнотини имзолаш вақтида совет ва чет эл матбуоти, радио, телевидение ва кинохрониканинг кўп вакиллари бор эди. (ТАСС).



Москва, 23 май 1963 йил Фидель Кастро шарафига Кремлда қабул маросими. Суратда: Н. С. Хрущев, Фидель Кастро ва Л. И. Брежнев ўртоқлар азиз меҳмонга юксак муқофот топширилганда кейин.

А. Ляпин фотоси.

(Фото-суратлар «Правда»нинг 24 майдаги сонидан олинди).

